

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У К М

2023 йил август ойининг 3 кунини жиноят ишлари бўйича Сўх туман суди, ўз биносида, очик суд мажлисида, видеоконференцалоқа режимида, раислик қилувчи Ш.Мадумаров, Ш.Юлдашеванинг котибалигида, тарафлардан давлат айбловчиси Сўх туман прокурори ёрдамчиси Ш.Иброхимов ва А.Турсунов, судланувчи [REDACTED]нинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди ва 28,211-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан [REDACTED]ни айблаш ҳақидаги №1-1516-2301/35-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

[REDACTED], ([REDACTED]) [REDACTED] йил [REDACTED] да [REDACTED] да туғилган, миллати ўзбек, фуқаролиги йўқ шахс, маълумоти ўрта-маҳсус, оиласидан ажрашган, икки нафар фарзанди бор, муқаддам:

- 1) жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2016 йил 18 августдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “б,в” бандлари, 28,211-моддаси 2-қисми “а” банди ва 139-моддаси 3-қисмининг “а,г” бандлари билан 59-моддасига асосан 3 йил 6 ой озодликни чеклаш жазосига судланган, шу суднинг 2018 йил 19 апрелдаги ажримига кўра, ўталмай қолган 1 йил 11 ой 23 кун озодликни чеклаш жазосидан ЖКнинг 73-моддасига асосан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган;
- 2) жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2019 йил 8 майдаги ҳукмига кўра, ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан ЖК 60-моддасига асосан 3 йил 6 ой озодликни чеклаш жазосига судланган, шу суднинг 2021 йил 16 декабрдаги ажримига кўра, ўталмаган 1 йил 1 ой 11 кун озодликни чеклаш жазосини ўташдан ЖКнинг 73-моддасига асосан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган,
- 3) жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2020 йил 21 декабрдаги ажримига кўра, ЖК 223-моддаси 2-қисмининг “б,в” бандлари билан айблаш ҳақидаги жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2015 йил 3 декабрдаги “Амнистия тўғрисида”ги қарорининг 5-бандига асосан тугатилган,
- 4) жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2023 йил 19 апрелдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди ва 28,211-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан ЖК 59,61-моддаси тартибида 3 (уч) йил 6 (олти) ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жазони ўтамоқда, [REDACTED] шаҳридаги Имконияти чекланган шахсларга ихтисослашган касб-хунар мактабида тўғарак раҳбари вазифасида ишлаган, [REDACTED] шаҳар, “[REDACTED]” МФЙ, [REDACTED] кўчаси [REDACTED]-уй, 20-хонадонда яшаган, қўлланилган “муносиб хулқ-атворида бўлиш ҳақида”ги тилхат эҳтиёт чораси суднинг 2023 йил 22



июндаги ажрими билан “қамок” эҳтиёт чорасига ўзгартирилган, бошқа иш бўйича 2023 йил 13 март кунидан қамокда, айблов хулосаси нусхасини 2023 йил 22 май куни олган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини эшитиб, томонларнинг музокара нутқини, судланувчининг музокара ва охириги сўзларини тинглаб, жинойт иши материалларини ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

Судланувчи [] хавфли рецидивист бўлган ҳолда, пора беришга далолат қилиб, ўзганинг мулкини алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, 2022 йил декабрь ойи охирида таниши [] га ўзи ишлаб келаётган [] имконияти чекланган шахслар учун ихтисослашган махсус мактаб интернет директорида пора бериш йўли билан, уни мактаб интернатга жисмоний тарбия ўқитувчиси лавозимига ишга киритиб қўйишини айтиб алдаб, уни пора беришга далолат қилиб, 600 АҚШ доллари (6.810.072 сўм) ва 500.000 сўм пулларини алдаш ва ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиб, пулларни ўзининг эҳтиёжларига сарфлаб юборган.

Бундан ташқари, у ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран пора беришга далолат қилиб, ўзганинг мулкини алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, 2023 йил февраль ойи бошида таниши [] га Фарғона шаҳар ҳокимиятида ишловчи таниши борлигини, унга пора бериш йўли билан Фарғона Давлат Университетини сиртқи бўлимига ўқишга киритиб қўйишини айтиб алдаб, уни пора беришга далолат қилиб, 400 АҚШ доллари(4.490.184 сўм) ва 850.000 сўм пулларини алдаш ва ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиб, пулларни ўзининг эҳтиёжларига сарфлаб юборган.

Судда судланувчи [] айбига қисман иқдор бўлиб, фуқаро [] билан коллежда ўқиганини, муносабатлари яхши эканлигини, [] имконияти чекланган шахслар учун ихтисослашган махсус мактаб интернет ишлаётган вақтида [] билан кўришиб қолиб, ундан иш бор йўқлигини сўраганида, пул керак бўлиб қолганлиги сабабли [] га иш топганини, 600 АҚШ доллари пул кераклигини, кейин [] нинг онаси билан иш жойига олиб бориб берганини, кейинроқ 500.000 сўм пулларни ҳужжатларни қилиш учун олганини, пулларни ўзини эҳтиёжи учун ишлатиб юборганини, кейинроқ [] ни ишга кириш учун олий маълумотли бўлишини айтиб, ўзини таниши орқали ўқишга киритиб қўйишлигини айтиб 400 АҚШ доллари олиб уни ҳам ўзини эҳтиёжи учун ишлатиб юборганини, 500.000 сўм пулни қарз деб олганини, ушбу пулларини пора деб олганини, пулларни алдаб олганини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, қарамоғида икки нафар фарзандлари борлигини инobatга олиб, енгиллик беришни сўради.

Судда судланувчи [] айбига қисман иқдор бўлиб кўрсатув берса-да, унинг содир этган жиноий ҳаракатлари қуйидаги далиллар билан ўз тасдиғини топади.

Гувоҳ [] судда, судланувчи [] билан танишлигини, 2022 йил декабрь ойида [] телефон қилиб мактаб интернатида жисмоний



тарбиядан ўтадиган аёл ўқитувчи йўқлигини, бу ҳақида ҳокимиятдан айтганини, ўша жойга ишга киритиб қўйишини, шароити бўлса пул беришини, бўлмаса 1-2 номзод борлигини айтганини, шунда ундан қанча деб сўраганини, 600 АҚШ доллари деб айтганини, сўраган пулини онаси билан бирга 2022 йил декабрь ойининг охирида иш жойи мактаб интернатига олиб бориб берганини, январь ойидан ишни бошлашлигини айтганини, шундан кейин ҳужжатларни қилиш мақсадида 500.000 сўм пул яна олганини, 2023 январь ойи ўртасида телефон қилганида кун совуқлиги сабабли каникул чўзилиб қолганини айтганини, 2023 йил февраль ойида телефон қилганида олий маълумотли кераклигини айтиб, сиртки Фарғона Давлат университетига ўқишга киритиб қўйишини айтганида, уни таклифини тўрмиш ўртоғи ва онаси рози бўлмаганини, лекин укаси 400 АҚШ доллари берганини, судланувчига 400 АҚШ долларини иш жойига олиб бориб борганини, иш тез кунда ҳал бўлишлигини айтганини, орадан фарзандларини базага киритиб қўйишлигини айтиб 850.000 сўм берганини, шу билан уни топа олмаганини, иш жойига қидириб борганида, иш жойидан ҳам топа олмаганини, кейин мактаб директорини олдига кириб, бўлган воқеани айтиб берганини, шунда мактаб директорини ҳеч нарсадан хабари йўқлигини айтганида, бу ҳақида ИИБ га ариза берганини, унга нисбатан қонуний чора кўришликни сўради.

Гувоҳ [REDACTED] судда, [REDACTED] қизи бўлишини, 2022 йил декабрда қизи [REDACTED] олдига келиб, [REDACTED] шахридаги Имконияти чекланган шахсларга ихтисослашган касб-ҳунар мактабида ишлаб кириш учун 600 АҚШ доллари бериб туришини айтганини, бу ишлари таниши [REDACTED] ни айтганини, унга алданиб қолмаслигини айтганини, у билан бирга ўқиганини айтгани, алдамаслигини, уни таклифига рози бўлиб [REDACTED] ни олдига яъни [REDACTED] шахрида имконияти чекланган мактаб интернатига бориб у билан учрашганини, сўнг у билан гаплашиб 600 АҚШ долларни берганини, 2023 йил январдан ишни бошлашлигини айтганини, лекин 2023 йил февраль ойида ўқишини айтиб яна олдига пул сўраб келганини, унга пули йўқлигини айтганлиги учун ўғли [REDACTED] 400 АҚШ доллари бериб юборганини, ушбу пулларни ҳам [REDACTED] га олиб бориб берганини, кейин судланувчи пулни ҳам қайтармаганини, қизини ишга ҳам ўқишга киритмаганини, қизи директорни олдига борганида қамалиб кетганини айтганидан сўнг ИИБ га мурожаат қилганлигини айтиб ўтди.

Гувоҳ [REDACTED] судда, [REDACTED] шахридаги Имконияти чекланган шахсларга ихтисослашган касб-ҳунар мактабида ишлаб 2022 йил март ойигача ишлаб чиқариш таълим устаси лавозимида март ойида ҳозирги кунга қадар тўғарак раҳбари лавозимида ишлаб келишини, 2023 йил мартда олдига [REDACTED] келганини, ундан нима сабабдан келганлигини сўраганида, [REDACTED] ишга киритиб қўйиш учун унда 600 АҚШ доллари ва 400 АҚШ долларини ўқишга киритиб қўйиш учун жами 1.000 АҚШ доллари олганлигини айтганини, [REDACTED] га шунақа ишларни қилганлиги учун қамалиб кетганини айтганини, бу ишлардан уни хабари йўқлигини билдириб ўтди.

Судланувчи [REDACTED] нинг содир этган жинояти, гувоҳларнинг суддаги кўрсатувлари ҳамда жиноят иши материалида мавжуд бўлган [REDACTED] нинг аризаси, далилий ашёни олиш баённомаси, сўроқ баённомалари ҳамда ишда тўпланган бошқа объектив далиллар билан ҳам тўлиқ тасдиқланди.



Гарчанд, судда судланувчи [REDACTED] айбига қисман иқрор бўлиб, 2022 йил декабрь ойида [REDACTED] дан 1.000 АҚШ долари ва 1.350.000 сўмлик пулларни пора деб олмагани, пулларни олиш учун уларни шундай деб алдагани, ЖКнинг 211-моддасига иқрор эмаслигини, пора беришга далолат қилиш фирибгарлик жиноятини усули эканини кўрсатиб, важ келтирса-да, унинг бу келтирган важлари юқорида кўрсатиб ўтилган гувоҳларнинг кўрсатувлари билан рад қилинади.

ЖК 28-моддасининг 4-қисмида “Жиноят содир этилишига қизиқтирувчи шахс далолатчи деб топилади” деб кўрсатилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июндаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 17-сонли қарорининг 24-бандининг учинчи қисмида, “агар қимматликларни эгаллаш мақсадида уларнинг эгаси айбдор томонидан пора беришга далолат этилган бўлса, унинг ҳаракатлари фирибгарликдан ташқари пора беришга далолат этиш сифатида кўшимча квалификация қилиниши лозим. Қимматликлар эгасининг ҳаракатлари эса, бундай ҳолларда, пора беришга суиқасд сифатида квалификация қилиниши керак”лиги ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Бундай ҳолатда, судланувчи [REDACTED] фуқаро [REDACTED] ни пора беришга далолат қилган бўлиб, унинг важларига ишониш учун ишда асослар мавжуд эмас.

Шу сабабли, суд, гувоҳларни суд мажлисида берган кўрсатувларини ишнинг ҳақиқий ҳолатига мос келувчи, ишончга сазовор кўрсатувлар деб, судланувчи [REDACTED] ни важларини жавобгарликни енгиллаштириш мақсадида келтирган важлари деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи [REDACTED] нинг жиноий ҳаракатларини квалификация қилиш масаласини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан унинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди ва 28,211-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Чунки, судланувчи [REDACTED] фуқаро [REDACTED] га мактаб директори орқали ишга киритиб қўйишини айтиб, уни алдаб, 600 АҚШ доллари пулларни, такроран [REDACTED] га танишлари Фарғона Давлат университетга ўқишга киритиб қўйишини айтиб, уни алдаб, 400 АҚШ доллари ҳамда 1.350.000 сўм пулларни, [REDACTED] ни алдаб, такроран пора беришга далолат қилиб, пулларини фирибгарлик йўли билан кўлга киритган.

Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 1-бандида, судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратишлари лозимлиги;

3-бандида, жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги;

37-бандида, ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган



тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ жазо тайинланиши мумкинлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, юқоридаги Пленум қарори талабларига риоя қилиб, судланувчи [REDACTED] га нисбатан жазо тайинлашда, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида илгари ҳам қасддан жиноят содир этиб, жазони ўташ даврида қасддан янги жиноят содир этгани инobatга олиш билан бирга содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, унинг айбига қисман иқрор ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, оилавий шароитини, қарамоғида вояга етмаган фарзандлари борлигини, аёллигини, шахсини инobatга олиб, у айбдор деб топилаётган 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни;

- у айбдор деб топилаётган Жиноят кодекси 28,211-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни;

- шунингдек ҳозирги кунда жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2023 йил 19 апрелдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди ва 28,211-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан айбли деб топилиб, озодликдан маҳрум қилиш жазосига тайинланганлигини инobatга олиб, Жиноят кодексининг 61-моддаси тартибида Д.Умаровага тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ҳар уч кунини озодликдан маҳрум этиш жазосининг бир кунига тенглаштириб ҳисоблаб, Жиноят кодексининг 59-моддаси 8-қисми ва 61-моддаси тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни лозим топди.

Олий суд Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги 19-сонли “Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 17-бандида, “Агар жабрланувчи пора талаб қилинганлиги ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилган бўлиб, тезкор тадбир давомида жабрланувчининг мулкидан пора предмети тариқасида фойдаланилган бўлса, ушбу мулк Жиноят-процессуал кодекси 211-моддасининг 4-бандига асосан жабрланувчига қайтарилиши лозим, бошқа ҳолатларда пора предмети суд ҳукми билан давлат эғалигига ўтказилади” деб тушунтириш берилган.

Шунга кўра, суд, судланувчи [REDACTED] дан 6.810.072 сўмни (600 АҚШ долларига тенг) ва 4.490.184 сўмни (400 АҚШ долларига тенг) ҳамда 1.350.000 сўмни пора предмети сифатида давлат фойдасига ундиришни белгилашни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473, 476-моддаларига амал қилиб, суд

ҳ у к м қ и л д и

Судланувчи [REDACTED] ([REDACTED] [REDACTED]) Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди ва 28,211-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан айбли деб топилсин.



█ га Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан иш ҳақини 20 (йигирма) фоизини давлат даромади фойдасига ушлаб қолган ҳолда, 2 (икки) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 28,211-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 3 (уч) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 59-моддасининг 3-қисми ва 61-моддаси тартибида, █ га тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан 3 (уч) йил 3 (уч) ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 59-моддасининг 8-қисмига асосан, жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2023 йил 19 апрелдаги ҳукми билан тайинланган 3 (уч) йил 6 (олти) ой озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўталган қисми ушбу ҳукмига қисман қўшиш йўли билан ўташ учун узил-кесил 3 (уч) йил 8 (саккиз) ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазо ўташ учун умумий тартибли колонияларга юборилсин.

Жазони ўташ муддати 2023 йил 13 мартдан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи █ га нисбатан қўлланилган қамоқ эҳтиёт чораси аслича ўзгаришсиз қолдирилсин.

Судланувчи █ дан жами 12.650.256 сўм пора предмети сифатида давлат фойдасига ундирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган, судланувчи ҳукм нусхасини олган кунидан бошлаб йигирма сутка ичида шу суд орқали Фарғона вилоят судига апелляция тартибида шикоят бериш ва протест билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи

/имзо/

Ш.Мадумаров

Ҳукм нусхаси аслига тўғри,

Жиноят ишлари бўйича

Сўх туман судининг раиси

Ш.Мадумаров

